



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ. MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

6 **БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ**

Парламент тадқиқот хизматлари
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили

14 **НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ**

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов
ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI. TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

24 **ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ**

Общая характеристика плагиата как
правонарушения и его виды

32 **ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖОНОВНА**

Коммандитное товарищество как институт
инвестирования: законодательство и практика
применения Федеративной Республики
Германия

42 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР КУРБОННАЗАРОВИЧ**

Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс
талабларининг илмий ва амалий таҳлили

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI. PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

56 **ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ**

Ҳарбий суд: кеча ва бугун

66 **ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик
ижроси устидан прокурор назоратининг
ҳуқуқий асослари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД
ОРИФ ЎҒЛИ**

Хорижий давлатлар қонунчилигида айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари

91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН
КУРАМБОЙ ЎҒЛИ**

Айрим хорижий давлатларда маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA
SUD EKSPERTIZASI

100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект

109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН
ХАЙИТБАЕВИЧ**

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари

122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**

Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиати

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

132 **ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

- 141 **САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ**
Общие теоретические аспекты коррупции в
органах государственного управления

DAVLAT DASTURLARI

- 150 **ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ**
О значении реформирования
законодательства об административных
процедурах в свете стратегических
приоритетов развития страны

UDC: 343,1 (042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-0921-9522

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ҲИМОЯ ФУНКЦИЯСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАБИАТИ

Чориева Дилбар Менгдабиловна,

Тошкент давлат юридик
университети докторанти;
e-mail: wise2004@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят-процессуал функциялардан бири бўлган ҳимоя функциясининг моҳияти, унинг жиноят процесси фаолият йўналиши сифатидаги аҳамияти, мазкур функциянинг амал қилиши натижасида келиб чиқадиган ҳимоя ҳуқуқи тушунчаси очиб берилган. Ҳимоя функциясининг аҳамияти ҳамда ҳимоя ҳуқуқи моҳиятини белгилаш юзасидан маҳаллий ва хорижий процессуалист олимларнинг илмий-назарий фикрлари билан мунозарага киришилган, бу борадаги хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилган ва чуқур таҳлил қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳимоя ҳуқуқи тушунчаси мазмунини очиб берувчи норма мавжуд эмас. Шу сабабли ҳимоячи фаолияти давомида юзага келадиган тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун ҳимоя ҳуқуқи тушунчаси моҳиятини қонунчиликда акс эттириш мақолани ёзишдан қўзланган асосий мақсадлардан биридир. Бажарилган таҳлиллар натижасида ҳимоя ҳуқуқига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган, ҳимоя функциясининг амал қилиш босқичларини классификациялаш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар берилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳимоя ҳуқуқи тушунчасини киритиш ва кодекснинг 24-моддасини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган. Мақолани ёзиш давомида қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий (анализ ва синтез), илмий билиш манбаларини комплекс тадқиқ этиш усулларида кенг фойдаланилган.

Калит сўзлар: жиноят-процессуал функция, ҳимоя функцияси, ҳимоя функциясининг амал қилиши, ҳимоя ҳуқуқи.

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ ХАРАКТЕР ФУНКЦИИ ЗАЩИТЫ НА ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

Чориева Дилбар Менгдабиловна,

докторант (PhD)
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье раскрывается сущность функции защиты, являющейся одной из функций уголовного процесса, ее значение в качестве направления уголовного судопроизводства, понятие права на защиту, возникающего при реализации этой функции. Приводятся полемика научно-теоретических взглядов национальных и зарубежных ученых-процессуалистов касательно значимости функции защиты и определения сущности права на защиту, подробно изучено и проанализировано законодательство зарубежных стран в этой сфере. Поскольку в нашем уголовно-процессуальном законодательстве не имеется нормы, определяющей содержание понятия права на защиту, для предупреждения неясностей в ходе деятельности защитника в качестве одной из основных целей написания статьи определяется отражение сущности понятия права на защиту в законе. В результате проведенного анализа разработано авторское определе-

ние права на защиту; даны научно обоснованные предложения по классификации стадий реализации функции защиты; предложено ввести понятие права на защиту в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан и изложить статью 24 Кодекса в новой редакции. При написании статьи широко использованы методы: сравнительно-правовой, логический (анализ и синтез) и комплексного анализа научных источников познания.

Ключевые слова: уголовно-процессуальная функция, функция защиты, реализация функции защиты, право на защиту.

PROCEDURAL CHARACTER OF PROTECTION FUNCTIONS IN PRE-TRIAL CRIMINAL PROCESS

Chorieva Dilbar Mengdabilovna,
Tashkent State University of Law, PhD candidate

Abstract. This article reveals the essence of the protection function, which is one of the functions of the criminal process, its importance as a direction of criminal proceedings, the concept of the right to protection arising from the implementation of this function. A controversy is conducted with the scientific and theoretical views of national and foreign procedural scientists regarding the importance of the protection function and the definition of the essence of the right to protection, the legislation of foreign countries in this area has been studied and analyzed in detail. Since our criminal procedural legislation does not have a norm defining the content of the concept of the right to defense, to prevent ambiguities in the course of the defender's activities, one of the main purposes of writing an article is to reflect the essence of the concept of the right to defense in law. As a result of the analysis: the author's definition of the right to protection was developed; given scientifically grounded proposals on the classification of the stages of implementation of the protection function; it was proposed to introduce the concept of the right to defense in the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and to present article 24 of the Code in a new edition. When writing the article, the methods of comparative legal, logical (analysis and synthesis) and complex analysis of scientific sources of knowledge were widely used.

Keywords: criminal procedural function, defense function, implementation of the defense function, right to defense.

Жамият ва давлатнинг ҳимоя ҳуқуқига нисбатан муносабатини ундаги демократия, инсонийлик ва қонунийлик даражаси белгилаб беради. Давлат шахсни жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муайян маънода чеклайди, унинг эркинлигини чегаралайди ва ҳатто айрим ҳуқуқларидан маҳрум этади. Бироқ давлат шахсининг айбловдан ҳимояланиш ҳуқуқини, албатта, таъминлаши шарт. Жиноят процесси нормалари фуқароларнинг ҳимояланиш воситалари тизими сифатида намоён бўлади. Ҳимоя функцияси жиноят-процессуал функциялардан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал функция жиноят процесси нормаларини бажариш юзаси-

дан жиноят процессининг тегишли субъектлари томонидан ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган жиноят-процессуал фаолият йўналишидир. Функциянинг амал қилиши жиноят-процессуал фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга ошишида намоён бўлади [1].

Жиноят процессининг асосий функциялари сифатида айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функциялари тушунилади.

Ҳимоя функцияси моҳияти юзасидан бир қатор олимлар ўз фикрларини билдирган. Хусусан, И.А. Пикаловнинг фикрича, ҳимоя функцияси жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаат-

ларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни ўзида акс эттиради [2]. Фикримизча, И.А. Пикаловнинг ушбу таърифи ҳимоя функцияси моҳиятини тор маънода тушунишга олиб келади. Шу сабабли Н.А. Дмитриева ҳимоя функциясининг моҳиятини кенгроқ маънода ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича [3], ҳимоя функцияси жиноят процессининг фаолият йўналиши сифатида икки элементдан таркиб топган:

1. Ҳимоячининг гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича фаолияти;

2. Ҳимоячининг гумон қилинувчи, айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оқловчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этишга қаратилган, жиноят ишлари бўйича исбот қилишда иштирок этиш билан боғлиқ фаолияти.

Н.А. Дмитриеванинг ушбу таърифи ҳимоячи фаолиятини умумлаштиришдан келиб чиққан ҳолда, ҳимоя функцияси моҳиятини тушунишга имкон беради. Стефан Тэман [4] эса ҳимоя функцияси қуйидаги процессуал ҳаракатлардан келиб чиқиб амал қилишини таъкидлайди:

1. Ҳибсга олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва дастлабки терговни бошлаш;

2. Гумон қилинувчини судга қадар ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш;

3. Гумон қилинувчини жиноят содир этганликда айблаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

4. Ишни судда кўриб чиқишга тайёрлаш учун далиллар етарлилигини дастлабки тарзда судгача баҳолаш (дастлабки эшитув);

5. Айбдорлик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш (суд жараёни);

6. Судлаш учун етарли далиллар мавжудлиги, янги суд жараёнини талаб қиладиган хатоларга йўл қўйилганлиги ёки оқланган шахс қайта судланиши мумкин-

лиги тўғрисидаги суддан кейинги қарорларни қабул қилиш жараёни.

Назаримизда, Стефан Тэманнинг ушбу фикрлари ҳимоя функцияси моҳиятини кенгроқ тушуниш имконини беради. Бироқ бунда Стефан Тэман ҳимоячининг шахс ушланган ҳолатидаги ҳамда ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс ҳуқуқларига нисбатан ҳам амал қилиши зарурлигини эътибордан четда қолдирган. Стефан Тэманнинг фикрларига яқин таърифни К. Ишниязов [5] ҳам келтириб ўтади. Унинг таъкидлашича, ҳимоя функциясининг амал қилиши 4 муҳим босқичга бўлинади:

1. Дастлабки босқич;

2. Гумон қилинувчи билан ишлаш босқичи;

3. Айбланувчи билан ишлаш босқичи;

4. Жиноят процессининг суд муҳокама-сида ҳимояни амалга ошириш билан боғлиқ босқич.

Бунда К. Ишниязов дастлабки босқич сифатида ҳимоячини дастлабки терговда иштирок этиш учун таклиф этишдан иборат бўлган босқични назарда тутди. Бироқ, фикримизча, ҳимоя функцияси жиноят процессининг дастлабки терговдан олдинги босқичларида ҳам амал қилиши зарур.

Айтиш мумкинки, ҳимоя функцияси жиноят процессининг айблов ва ишни ҳал этиш функциялари билан бевосита боғлиқликда амал қилади. Яъни айблов (жиноий таъқиб)га қарама-қарши бўлган ҳимоя функцияси ўз мазмунига кўра, жиноий таъқиб органлари (суриштирувчи, терговчи ва прокурор)нинг процессуал ҳаракатлари ва қарорларини рад этиш, уларга қарама-қарши бўлган хулоса, таклиф ҳамда енгиллаштирувчи баҳо бериш ҳамда ушбу ҳужжатларустидан шикоят қилиш хусусиятига эга ҳисобланади.

Ҳимоя функцияси қуйидаги процессуал ҳаракатларга нисбатан шикоят келтириши ҳамда қарши позицияда бўлиши мумкин:

– муайян шахс (ҳимоя остидаги шахс)га нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда жиноят иши қўзғатиш;

– ушбу шахсни ушлаб туриш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш;

– шахсни жиноят содир этганликда гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга асосланган ҳамда унинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этувчи бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш;

– ушбу шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш, унга нисбатан суд тиббий экспертизаси тайинлаш;

– айбловни айбланувчи ҳолатини ёмонлаштирувчи томонга ўзгартириш;

– айблов хулосасини прокурорга юбориш.

Ушбу процессуал ҳаракатларнинг амалга ошиши, ўз навбатида, ҳимоя функциясининг ҳаракатга келиши ва амал қилишига сабаб бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг амал қилиш босқичларини куйидаги тарзда классификациялашни таклиф этамиз:

1. *Терговга қадар текширувда ҳимоя функцияси* – терговга қадар текширув ҳаракатлари ўзига нисбатан олиб борилаётган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат босқич. Мазкур босқич ўзида ҳимоячининг терговга қадар текширув ҳаракатларига таклиф этилишини, унинг иштироки моҳиятини белгилайди. Терговга қадар текширув ҳаракатларига ҳимоячини таклиф этишнинг аҳамияти шундаки, бугунги кундаги суд-тергов амалиётига мувофиқ, жиноят юз бергани юзасидан хабар келиб тушиши ва рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ҳолатни аниқлаштириш мақсадида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиниши, шунингдек, шахсни

ушлаб туриш, ЖПКнинг 162-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши [6] ва бу жараёнда муайян шахслар ушбу ҳаракатларга жалб этилиши кузатилади. Бироқ ушбу шахсларнинг процессуал мақоми ЖПКда белгиланмагани сабабли уларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам қонуний тартибга солинмаган. Аммо таъкидлаш ўринлики, жуда кўп ҳолатларда айнан терговга қадар текширув ҳаракатларида ҳимоячининг ҳуқуқий ёрдамига кўпроқ эҳтиёж сезилади. Шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари қаршисида ўзини йўқотиб қўйиши, кўрқиши ёки ҳуқуқларини тўлақонли билмасликлари натижасида ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни амалга ошириши, кўрсатмалар бериши каби ҳолатларга йўл қўйилиши кузатилади. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида терговга қадар текширувда ҳимоя функциясининг амал қилиши, яъни ҳимоячи иштироки таъминланиши зарур. Бундан ташқари, ушбу босқичдаги ҳимоя функциясининг аҳамияти шундаки, бунда муайян иш бўйича жиноят ишини қўзғатиш юзасидан қарор чиқмаган бўлади ва ҳимоя функцияси муайян шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатишнинг олдини олишга қаратилади.

2. *Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда ҳимоя функцияси* – гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳимоя позициясини танлаш ва гумон қилинувчининг ҳимояси учун далиллар тўплашдан иборат босқич.

3. *Айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда ҳимоя функцияси* – тергов ҳаракатларида иштирок этиш йўли билан ҳимоя позициясини мустаҳкамлаш, зарурий асослантирувчи ҳужжатларни талаб қилиш, айбланувчини ҳимоя қилишга

қаратилган далилларни тўплаш ва уларни тақдим этиш босқичи.

4. *Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ҳимоя функцияси* “ҳимоя хулосаси”нинг тайёрланишида акс этади. Ҳимоячи томонидан ҳимоя хулосаси тайёрланиб, топширилиши ҳимоя тарафининг процессуал мақоми ошишига, унинг ҳуқуқ ва процессуал имкониятлари айблов тарафи билан тенглашишига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳимоя функциясининг амал қилиши ҳимоя ҳуқуқини келтириб чиқаради. Ҳимоя ҳуқуқи юзасидан олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Хусусан, Т.М. Вилле ҳимоя ҳуқуқи жиноят процессини фуқаролик процессидан ажратиб туришини таъкидлайди. Чунки фуқаролик процессида ҳимоя ҳуқуқи ҳақида эмас, балки шахсларнинг ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи ҳақида сўз юритилади [7]. Бу билан айтиш мумкинки, жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи дейилганда, жиноий жавобгарлик қўллаш таҳдиди мавжуд бўлганда вужудга келувчи ҳуқуқ тушунилади. К. Ишнйазовнинг бу борадаги фикрича, ҳимоя айбловни рад этиш ва айбланувчининг айбсизлигини аниқлаш ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштиришга қаратилган процессуал фаолиятдир [5, 37].

Бироқ, айтишимиз мумкинки, К. Ишнйазов томонидан берилган ушбу таъриф ҳимоя тушунчасининг бутун мазмунини қамраб ололмади, шу сабабли бу таърифни кенгайтириш зарурати мавжуд.

Ҳимоя – ҳар бир шахснинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатидир. Шунга қарамай, амалдаги ЖПКда ҳимоя тушунчасига таъриф берилмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи

— юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир [8]”, дея таъриф бериб ўтилган бўлса-да, ҳимоя ҳуқуқининг бутун мазмунини ўзида акс эттирувчи норма ЖПКда мавжуд эмас.

Ҳимоя тушунчаси хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида қуйидагича ўз акс этган.

Қирғизистон Республикаси ЖПК (5-м.)га кўра, ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан жиноят ёки жиноий ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, шунингдек, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир [9].

Арманистон Республикаси ЖПК (6-м.)да ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш, Жиноят кодексида тақиқланган ҳаракат содир этгани аниқланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилишга ёрдам беришдан иборат бўлган процессуал фаолият [10] сифатида таърифланган.

Озарбайжон Республикаси ЖПК (7.0.27.)да ҳимоя тушунчасига жиноий қонунда назарда тутилган ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахсга қарши илгари сурилаётган айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолият [11], дея таъриф берилган.

Беларусь Республикаси ЖПК (6-м.)га кўра, ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан

гумон ёки айбловни рад этиш ёхуд айбловни юмшатиш, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ва ўзаро ҳамкорлик тамойили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи юзасидан қарор қабул қилишга ваколатли хорижий давлат органининг сўрови ижросини таъминлаш тўғрисидаги қарор асосида эҳтиёт чораси қўлланилиб ёки халқаро қидирувда бўлганлиги сабабли топшириш мақсадида ушланган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир [12].

Қозоғистон Республикаси ЖПК (7-м.) да эса ҳимоя тушунчасига жиноий ҳуқуқбузарликни содир этишда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, гумон (айблов)ни рад этиш ёки юмшатиш ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир [13], дея таъриф берилган.

Молдова ЖПК (6-м.)да ҳимоя – ҳимоя тарафи томонидан айбловни тўлиқ ёки қисман рад этиш ёки жазони енгиллаштириш, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир [14], деб таърифланган.

Россия [15], Эстония [16], Тожикистон [17] ва Туркменистон [18] ЖПКларида, худди мамлакатимиз ЖПКда бўлгани каби, ҳимоя тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган.

Украина ЖПК (22-м.)да эса ҳимоя гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоячиси ёки уларнинг қонуний вакили томонидан амалга оширилишигина белгиланган [19], холос.

Олимларнинг юқорида келтирилган фикрлари ва хорижий давлатлар жиноят-процессуал кодексларида ҳимоя тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳимоянинг асосий мақсади жиноятни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гумонни рад этиш, айбловни юмшатиш, жазони енгиллаштириш ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилишдан иборатдир. Ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичларида таъминланади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳимоячи ҳимоялаш давомида ҳимоянинг мақсади бўлган – айбловни рад этиш, бунинг учун эса айбловни рад этувчи далилларни йиғиш ва тақдим этиш фаолиятини амалга оширади. Умумҳуқуқий норма ҳисобланган айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорнинг жинояти қонуний тартибда исбот қилинмагунча, у айбсиз ҳисобланади ва айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас [20]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги мустаҳкамланган. Бу нимани англатади? Бу дегани на гумон қилинувчи ва на айбланувчи (ёки судланувчи) ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Айбланувчи ўз айбсизлигини исботлаши мумкин (масалан, ўз алибиси, яъни жиноят содир этилган вақтда бошқа жойда бўлганини билдириш орқали). Бироқ бу унинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас! Исбот қилиш мажбурияти дастлабки терговда терговчининг, судда эса давлат айбловчисининг мажбурияти ҳисобланади [21]. Айнан ҳимоя тушунчасига жиноят-процессуал қонунчилигимизда таъриф бериб ўтилмагани сабабли ҳам ушбу 23-модда мазмунини англашда ва ҳимоячининг фаолияти мақсадини таҳлил этишда тушунмовчиликлар юзага келади.

Юқорида келтирилган таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ҳимоя ҳуқуқига қуйидагича муаллифлик таърифини беришни таклиф этамиз:

Ҳимоя ҳуқуқи – ҳимоячи томонидан шубҳа остига қўйувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотларнинг, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатларнинг асослилигини текшириш, юзага келган гумонни, эълон қилинган айбловни рад этиш, бунинг учун эса гумон ёки айбловни рад этувчи далилларни тўплаш ва тақдим этиш, шу асосда ўз позициясини исбот қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят бериш, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган, шунингдек, ноқонуний равишда жиноий таъқибга учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Жиноят-процессуал қонунчилик таҳлили асосида ҳимоянинг ўзини ҳам ихтиёрий ва зарурий ҳимояга ажратишимиз мумкин. Ихтиёрий ҳимоя тушунчаси ўзида шахсларнинг ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш эркинлигини акс эттирса, мажбурий ҳимоя ўз-ўзини ҳимоя қилишга жисмоний, ақлий ёки молиявий жиҳатдан имконияти чекланган шахслар ҳимоя ҳуқуқининг мажбурий равишда таъминланишини англатади. Ихтиёрий ҳимояга мувофиқ, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ихтиёрий равишда ва танлов асосида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланса, мажбурий ҳимоя давлат томонидан ҳимоячига ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Айтиш мумкинки, ҳимоячига эга бўлиш ва, умуман, ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш, аслида, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Шу

сабабли айрим давлатлар қонунчилиги (Буюк Британия [22, 24.]) ихтиёрий ҳимоядан ташқари бошқа ҳимояни тан олмайди. Аммо бошқа айрим давлатлар қонунчилиги (Германия, Франция [23, 10-16]) ихтиёрий ҳимоядан ташқари мажбурий ҳимояни ҳам зарур деб ҳисоблайди. Ихтиёрий ҳимояда ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан таклиф этилади ёки унинг илтимоси бўйича тайинланади. Мажбурий ҳимояда эса ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи илтимоси ёки хоҳишидан қатъи назар, қонун талаби асосида тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган, жиноят процессида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни таҳлил қилиб, мамлакатимизда ҳам ҳимоя ҳуқуқи ихтиёрий ва мажбурий тарзда амал қилади, дейишимиз мумкин.

Ҳимоя ҳуқуқи таъсир этиш субъектига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқига бўлинади. Жисмоний шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи фуқароларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини ўзида акс эттирса, юридик шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи дейилганда, ташкилотларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи (жарима, фаолиятнинг тўхтатиб қўйилиши) тушунилади [25]. Шу билан бирга, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга нисбатан ҳимоя ҳуқуқи ҳақида гапириб бўлмайди, негаки унда давлат айблови мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда, ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди. Балки бунда руҳий ҳолати бузилган шахс ва унинг қонуний вакилининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, дея аниқлик киритиш талаб этилади [7].

Олимларнинг юқорида келтириб ўтилган илмий-назарий фикрлари, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳимоя ҳуқуқи тушунчасини киритиш ва ко-

декснинг 24-моддасини қуйидагича янги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:

24-модда. Ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши

Ҳимоя ҳуқуқи – ҳимоячи томонидан шубҳа остига қўювчи ҳолатларга эътибор қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотларнинг, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатларнинг асослилигини текшириш, юзага келган гумонни, эълон қилинган айбловни рад этиш, бунинг учун эса гумон ёки айбловни рад этувчи далилларни тўплаш ва тақдим этиш, шу асосда ўз позициясини исбот қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят бериш, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган, шунингдек, ноқонуний равишда жиноий таъқибга уч-

раган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Ҳимоя ҳуқуқи ихтиёрий ва мажбурий кўринишда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳимоя ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади.

Ўзига нисбатан терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга.

Ҳимоя ҳуқуқи терговга қадар текширув олиб боровчи шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ўзига нисбатан терговга қадар текширув олиб борилаётган шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти юкланади.

REFERENCES

1. Yuristlar rolining asosiy tamoyillari. BMTning 1990-yil 27-avgust – 7-sentabr kunlari Gavana (Kuba)da bo'lib o'tgan Jinoyatchilikka qarshi kurashish va huquqbuzarlar bilan moulala qilish bo'yicha sakkizinchi kongressi tomonidan qabul qilingan deklaratsiya. [Basic principles of the role of lawyers]. Declaration adopted by the Eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders, Havana, 27 August-7 September 1990. Source: ELKS Publishing, no. 4 (20) April 1990, 14 p.
2. Pikalov I.A. Ugolovniy process Rossiyskoy Federatsii (kratkiy kurs): Uchebnoe posobie. [Pikalov I.A. Criminal procedure of the Russian Federation (short course)] Textbook, 2005, Allpravo. Ru. 2005, 53 p.
3. Dmitriyeva N.A. Funktsiya zashiti v rossiyskom ugolovnom protsesse I rol v ney instituta advokaturi. Avtoref. dis. ... kand.yurid.nauk. [Dmitriyeva N.A. The function of protection in the Russian criminal process and the role of the advocacy institutions in it]. Abstract of dissertation for the degree of Candidate of Legal Sciences. Moscow, 2006, pp. 14-15.
4. Thaman S.C. (2015) Criminal Procedure: Adversarial and Inquisitorial Legal Systems. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, p. 227–231. doi:10.1016/b978-0-08-097086-8.86152-8.
5. Ishniyazov K. Organizatsionno-pravoviye osnovi uchastiya zashitnika v stadia doznaniya I predvaritelnogo sledstviya. Dis. ... kand. yurid. nauk. Samarkandskiy gos. universitet im. A. Navoi.

[Organizational and legal basis for the participation of a defendant attorney in the stage of inquiry and preliminary investigation]. Dis. ... Candidate of Legal Sciences. Samarkand State University named after A. Navoi. Tashkent, 2006, pp. 20, 37, 176.

6. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi 329-modda. 18.02.2021 y. o'zgarishlari bilan, QHMMB: 03/21/675/0126-son. Lex.uz milliy qonunchilik bazasi. [Code of Criminal Procedural of the Republic of Uzbekistan, with amendments of Article 329. 18.02.2021, KHMMB: No. 03/21/675/0126. Lex.uz national legal source of legislation].

7. Wille T.M. (2012) Recht auf wirksame Verteidigung. In: Andreas Kley und Klaus A. Vallender (Hg.): Grundrechtspraxis in Liechtenstein. Schaan: Verlag der Liechtensteinischen Akademischen Gesellschaft [Liechtenstein Politische Schriften, Bd. 52]. pp. 435-484.

8. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2003-yil 19-dekabrdagi "Gumon qilinuvchi va ayblanuvchini himoya huquqi bilan ta'minlashga oid qonunlarni qo'llash bo'yicha sud amaliyoti to'g'risida"gi qarori. Available at: <https://lex.uz/docs/1453755>. [Decision of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan]. No. 17 of December 19, 2003 "On Practice of the Courts on the application of the law on the protection of the suspect and the accused. Available at: <https://lex.uz/docs/1453755>).

9. Uголовно-процессуальный кодекс Киргизской Республики от 2 февраля 2017 года (по сост. на 04.06.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Kyrgyz Republic on the date of February 2, 2017 (as of June 4, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database. Legislation of the CIS countries).

10. Uголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (по сост. на 10.10.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Armenia of September 1, 1998 (as of 10.10.2020)]. (Electronic resource). Access mode: <http://base.spininform.ru> (Database of legislation of the CIS countries)).

11. Uголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (по сост. на 25.06.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Azerbaijan dated July 14, 2000 (as of June 25, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database of legislation of the CIS countries)).

12. Uголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (по сост. на 09.01.2019). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Belarus of July 16, 1999 (As of 09.01.2019)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database of legislation of the CIS countries).

13. Uголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по сост. на 16.11.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Kazakhstan on the date of July 4, 2014 (As of November 16, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database of legislation of the CIS countries)).

14. Uголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (по сост. на 11.09.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Moldova of March 14, 2003 (As of September 11, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database of legislation of the CIS countries)).

15. Uголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (по сост. на 27.10.2020). (Yelekt. resurs). [The Criminal Procedural Code of the Russian Federation of December 18, 2001 (as of October 27, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database. Legislation of the CIS countries))

16. Uголовно-процессуальный кодекс Эстонии). (Yelekt. resurs). [The Criminal Procedural Code of Estonia]. (Electronic resource). Available at: <http://wipo.lex.wipo.int/ru/legislation>).

17. Uголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (по сост. на 04.07.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of the Republic of Tajikistan of December 3, 2009 (as of 04.07.2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spininform.ru> (Database. Legislation of the CIS countries))

18. Ugolovno-protsessualniy kodeks Turkmenistana ot 18 aprelya 2009 goda (po sost. na 22.08.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedural Code of Turkmenistan dated April 18, 2009 (as of 08/22/2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spinform.ru> (Database of legislation of the CIS countries))

19. Ugolovno-protsessualniy kodeks Ukrainii ot 13 aprelya 2012 goda (po sost. na 21.07.2020). (Yelekt. resurs). [Criminal Procedure Code of Ukraine dated April 13, 2012 (as of July 21, 2020)]. (Electronic resource). Available at: <http://base.spinform.ru> (Database of legislation of the CIS countries))

20. Ma'mirova M. O'zbekistonda aybsizlik prezumptsiyasi: amalda undan to'g'ri foydalanilyaptimi? [The presumption of innocence in Uzbekistan: is it being used properly in practice?]. 12/24/2018. Available at: <https://kun.uz/60121942>.

21. Karapetyan S.Ye. Ponyatiye prezumptsii nevinovnosti. [The concept of the presumption of innocence]. Available at: <http://www.smolprok.ru/>.

22. Kalinovskiy K.B. Ugolovniy protsess sovremennix zarubejnx gosudarstv. Uchebnoe posobiye. [Criminal procedure of modern foreign states]. Tutorial. Petrozavodsk Publishing House of Petrozavodsk State University, 2000, pp. 10-16, 24.

23. Trefilov A.A. Ugolovniy protsess zarubejnx stran. [Criminal Procedure of Foreign Countries]. Vol. 3, 183 p.